“ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” ВА ЖОН ЛОКК ЛИБЕРАЛ ҚАРАШЛАРИНИНГ АЛОҚАДОРЛИГИ

Жамшид Шодиёрович Элмуротов
Тошкент архитектура қурилиш институти катта ўқитувчиси
jamshidbek82@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада “Ҳаракатлар стратегияси” ва Жон Локк либерал қарашлари орасида ўзаро алоқадорлик жиҳатларига эътибор қаратилади. Хусусан, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаштиришда, эркинлик ва фаровонликни таъминлашда Жон Локк либерал қарашларидаги концептуал жиҳатларни ғоявий жараёнларда мужассамлаштириш бугунги тараққиётнинг муваффақиятини таъминлашда муҳимлиги тадқиқ этилади. Ижтимоий-сиёсий воқеъликдаги демократик тараққиёт ва бозор муносабатларининг муваффақияти бевосита эркинлик ғоялари билан алоқадорлиги масалалари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Ҳаракатлар стратегияси, Жон Локк, либерал қарашлар, эркинлик, бозор муносабатлари, демократия, фуқаролик жамияти, тенглик.

RELATIONSHIP BETWEEN "STRATEGY OF MOVEMENT" AND LIBERAL VIEWS OF JOHN LOCK

Jamshid Shodiyorovich Elmurotov
Senior teacher of Tashkent Institute of Architecture and Construction

ABSTRACT

The article is devoted to the relationship between the Strategy of Action and the liberal views of John Locke. In particular, the importance of combining the conceptual aspects of the liberal views of John Locke in the ideological processes of democratization of public and political life in the country, ensuring freedom and well-being of the people, and the success of today's development is studied. The article analyzes the issues of democratic development in socio-political reality and the success of market relations which are directly related to the ideas of freedom.

Keywords: Uzbekistan, Action Strategy, John Lock, liberal views, freedom, market relations, democracy, civil society, equality.

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик жараёнларни такомиллаштириб, инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаб, янгиланаётган жамият сифатида Марказий Осиё минтақасида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб келаётган экан, бу бевосита давлатимизнинг олиб бораётган либерал сиёсатидандир. Бу борада Ўзбекистон Президенти. Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Биз демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга – янги, юксак марралар сари борамиз”[2; Б. 56]. Албатта, халқимизга хос бўлган улуғ ният – бу бевосита эркинлик ва фаровонликка йўғрилган ҳаёт тарзидирки, бу хислатлар демократик тафаккур билан чамбарчас боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Демократик тараққиёт ва ижтимоий ҳаётни либераллаштириш масалаларининг Ўзбекистон билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этишда бир қатор манбалар борлиги қувонарлидир. Ҳозирги тараққиёт шароитида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ислоҳотларнинг жамиятдаги ўрни масаласига жуда ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг жамият ривожи учун муҳим эканлиги ва айниқса давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилиниб, 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” ва унинг либералистик қадриятлар билан уйғунлиги ва бошқа шу кабилар Президентимизнинг асарлари, нутқ ва мақолаларида эркинлик ва демократия ғоялари ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари Республикамизнинг Б.Зокиров, М.Мирзаев, А.Эркаев, А.Ўлмасов, И.Саломов, М.С.Гафарли, Ш.Очилов, Ф.Мухиддинов, Ш.Мамадалиев, А.Саидов, О.Ҳусанов, М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ.Ғаффарова каби олимларнинг асарларида демократик жараёнлар ҳамда тараққиётнинг ўзбек моделини яратишда ушбу омилнинг ўрни, миллий сиёсий тизимнинг либерал моҳияти, демократик ислоҳотлар ривожланиш моделининг асоси каби масалалар очиб берилган. Ушбу асарлар либерал қарашлар, хусусан демократик жараёнлар тадрижий такомилида Жон Локкнинг эркинлик ҳақидаги қарашлари, демократик характердаги алоҳида олинган миллий тараққиёт шароитида Жон Локк либерал қарашларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги эркинликларини таъминлашдаги ўрни масалалари тадқиқ этилганлиги билан эътиборга лойиқ.

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш, эркинлик, демократик ва фуқаролик жамиятининг ўзаро уйғунлиги масалалари, демократик ва миллий ўзликни англаш, демократик тараққиёт шароитида миллатлараро муносабатлар, миллий давлатчилик ва демократик тараққиёт масалаларига оид назарий концептуал жиҳатлар Н.А.Назаров, Г.Ғ.Ғаффарова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Ушбу тадқиқотда Ш.М.Мирзиёевнинг демократик ислоҳотларнинг чуқурлаштириш, эркин ва демократик жамият қуриш, миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш демократик жамият қуриш асоси эканлиги ҳақидаги концептуал фикрлар илгари сурилган асарларидан мавзуни тадқиқ этишда методологик асос бўлиб хизмат қилди.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон шароитида либерализм назариясини ижтимоий ҳаёт соҳаларига қўллаш жараёнлари, “Ҳаракатлар стратегияси” ва либерал концепцияларнинг ўзаро алоқадорлиги очиб беришда Жон Локкнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини асосини ташкил қилувчи либерализм назарияси, унинг мазмуни ва моҳияти, либерализм назариясининг тарихий илдизлари ўрганилиб, уларнинг энг муҳим жиҳатларини кўрсатиб берилди.

Жон Локкнинг либералистик қарашларининг асосини белгилаб берувчи омиллар, унинг ўзига хос хусусиятлари, камчиликлари ва ютуқларини илмий жиҳатдан асосланиб, Жон Локк либерализмидаги инсонларнинг эркинлиги, тенглиги, озодлиги, мулк дахлсизлиги масалаларини қиёсий таҳлил этиш орқали илмий асослаб берилди;

МУҲОКАМА

Мамлакатимиз мустақиллика эришган илк кундардан буён Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, замонавий жамиятнинг ривожини таъминлаб келмоқда. Яқин ўтмишдан биламизки, демократик жараёнлар, фуқаролик жамияти, эркинлик, тенглик умуман либерал моҳиятга эга бўлган категориал атамалар тафаккуримизда қатъий муҳрланиб, унинг реал асосларини яратиш ижтимоий-сиёсий фаолиятимизнинг муҳим қирраси сифатида ўрин олганлиги эътиборлидир.

Жаҳонда демократик жараёнлар ривожи бевосита эркинлик ғоялари билан чамбарчас боғлиқки, бундай либерал қарашлар сиёсий ҳаётда ҳур

фикрлиликни таъминлаб, асрлар давомида инсоният вакиллари томонидан орзу этилган жамият қуриш учун ғоявий имконият яратди. Демократик тараққиёт йўлидан бориб, инсониятнинг бахт-саодатли турмуш тарзини таъминлаб келаётган жамиятлар бевосита либерал қарашлар ҳосиласи сифатида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланиши билан бир қаторда бундай қадриятларни улуғлаш кафолати сифатида ҳам дунё ҳамжамиятида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Либерализм ғояси ҳақида гап кетганда, бевосита унинг асосчиси Жон Локк ҳақида тўхтаб ўтиш лозим.

Жон Локк (1632-1704) Англиянинг жануби-ғарбидаги Сомерсет графлигига қарашли Рингтон шаҳарчасида оддий адвокат оиласида туғилди. Локкнинг отаси адвокат бўлиш билан биргаликда, Кромвел армиясининг отлиқ эскадронига қўмондонлик ҳам қилган. Жон Локк Оксфорд дорилфунуни қошидаги диний йўналишга асосланган коллежда таьлим олди. Бироз муддатдан сўнга эса тиббиёт илмини ўрганди. 1656 йилга келиб у Оксфорд дорилфунунининг бакалаврлик, 1658 йилда эса магистрлик илмий даражасига сазовор бўлади. У кимёгар дўсти Роберт Бойл туфайли файласуфлар Декарт ва Гассенди таьлимотига қизиқа бошлайди. Жон Локк ҳукуматнинг олий идораларида хизмат қилиб, мансаб поғоналаридан тезлик билан юқорилаб боради ва Англия ҳукуматининг лорд канцлери лавозимига эришади.

Жон Локк асосан 39 ёшидан бошлаб фалсафа илмини кучли қизиқиш ва иштиёқ билан ўргана бошлайди. 1682 йилда Ж.Локк ҳукуматда юз берган сиёсий танглик туфайли Англияни ташлаб чиқиб кетиб, Нидерландияда яшашга мажбур бўлади. У 1689 йилда ватанига қайтади ва бирин-кетин хорижда ёзган асарларини чоп эттиради.

Унинг мазкур асарлари бизгача етиб келган: "Табиат қонунларига доир тажрибалар" (1662-1664 й.), "Дин эркинлигини эьтироф этишга доир тажриба" (1667 й.), "Тиббиёт саньати ҳақида" (1669й.), "Инсон тафаккурига доир тажрибалар" (1689 йил, олим бу асар устида 20 йилдан зиёд меҳнат қилган), "Тарбияга оид баьзи фикрлар" (1693 й.), “Бошқариш тўғрисида икки рисола” (файласуф мазкур асарни аслида 1681 йилда ёзиб тугатган бўлса-да, бироқ ўша пайтда Англияда бундай либералистик қарашлар ҳақида ёзиш жуда хавфли бўлганлиги сабабли уни тўлдиришлар билан биргаликда 1698 йилда чоп эттирган) каби асарлардир.

Жон Локкнинг либералистик қарашларида у эркинликни ўзига хос бир ҳолат сифатида тасаввур қилади, яъни унинг назарида эркинлик, тенглик, озодлик сўзлари, ҳеч қачон алоҳида-алоҳида ишлатиб бўлмайдиган сўзлар тоифасига киради. Либерализм эса мана шу уч сўзни биргаликда қамраб олувчи

тушунчадир. Биринчи бўлимда кўриб ўтганимиздек, антик даврдан токи Жон Локка қадар яшаб ўтган файласуфлар ўз ижтимоий-фалсафий қарашларида “либерализм” сўзини турлича маънода ишлатишган, тушунишган ва ёритишган. Биз Жон Локк либерализмининг ўзига хос бўлган энг асосий хусусиятларини ажратиб оламиз ва уларни шу йўл билан алоҳида–алоҳида таҳлил қиламиз.

Демак, Жон Локк либерализмидаги энг асосий хусусиятларидан бири энг аввало Табиий ҳолат ва табиий қонун назариясининг акс этгани бўлса, ундан сўнг “жамоат шартномаси” ва “Мулк” ҳақидаги тушунчага алоҳида аҳамият беради. Ниҳоят тенглик ҳақида батафсил тушунча беради. Энди батафсил Жон Локкнинг табиий ҳолат ва табиий қонун бўйича олиб борган ишларини кўриб чиқадиган бўлсак, олимнинг мазкур масала юзасидан билдирган фикрлари бироз тушунарсиз кўринсада, бироқ масалани нимага қаратилганини англагандан сўнг унинг фикрини тушунишимиз мумкин.

Жон Локк “Бошқарув ҳақида икки рисола” (Ҳукумат ҳақида трактат) асарини биринчи қисмида ҳукуматнинг ҳокимлиги отанинг ҳокимиятидан келиб чиқиши мумкин эмаслигини кўрсатиб бергандан сўнг, асарнинг иккинчи қисмини, давлатнинг келиб чиқиши борасидаги ўзи тўғри деб билган қарашни баён этиши ҳақидаги сўзлар билан бошлайди, яъни мазкур фикрни янада кенгроқ ёритадиган бўлсак, Жон Локк инсон томонидан яратилган барча ҳукумат тизимларининг ўтмишдоши бўлган, ўзи “Табиий ҳолат” деб атайдиган ҳолатнинг эхтимолидан бошлайди. Мутафаккирнинг фикрича, “Табиий ҳолат табиат қонунига эга бўлиб, у томондан бошқарилади, у барча учун тенг; бу қонун онг бўлиб, у билан ҳисоблашишни истаган барча инсонларга**,** барча инсонлар тенг ва мустақил бўлганлиги боис улардан ҳеч бири бошқаларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ёки мол-мулкига путур етказмаслиги кераклигини уқтиради” [3; Б. 264]. Жон Локк учун табиий ҳолат қанчалик оддий тасвирий фараз эканлиги ҳамда унинг тарихда мавжуд бўлган у қай даражада тахмин қила олиши аниқ эмас. Бироқ Локкнинг қарашларидан биламизки, у бу ҳолат ҳақида ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлган ҳолат сифатида фикр юритган. Одамлар табиий ҳолатдан фуқаролик жамиятини таъсис этган жамоа шартномаси туфайли чиқиб кетишган. Буни Локк тарихий ҳодиса сифатида кўради, аммо ҳозирча қуйида биз фақат табиий ҳолат ҳақида фикр юритамиз.

Файласуф Б.Расселнинг Жон Локкнинг табиат ҳолат назарияси ҳақида билдирган мулоҳазалари бир мунча танқидийлигини кўришимиз мумкин. Хусусан у шундай келтиради: “Жон Локк томонидан табиий ҳолат ва табиат қонуни ҳақида билдирилган фикрларни янгилик деб айта олмаймиз. Чунки мазкур масала бир қанча файласуфларнинг қарашларида ҳам ўз аксини

топганини кўришимиз мумкин. Буни бир сўз билан ўрта асрларга хос схоластик қарашларнинг такрорий давоми деб айта оламиз" [5; Б. 577]. Рассел ўз фикрини исботи сифатида ўрта асрларда яшаган машҳур файласуф Фома Аквинскийнинг табиат қонуни борасида билдирган мулоҳазаларидан иқтибос келтиради. Жумладан: "Одамлар томонидан яратилган ҳар бир қонун ўзининг табиат қонунидан келиб чиқиши даражасида қонун хусусиятларини мужассам этган бўлади. Аммо, агар у бирор бир жиҳатдан табиий қонунга зид бўлса, қонун сифатида ўз кучини йўқотади; у бор-йўғи қонуннинг бузилган кўринишига айланб қолади" [6], - дейди.

Юқорида келтирилган фикрлардан билишимиз мумкинки, Жон Локкнинг фикрларида ҳақиқатан ҳам ўзидан олдингиларни такрорлаш кузатилади, бироқ унинг табиий ҳолат назариясида ҳам ўзига хос ориганлликлар бор. Мисол сифатида келтирадиган бўлсак, у табиий ҳолатда учинчи шахснинг мавжуд бўлишига қатъиян қарши чиқади. Агар қаердаки табиий ҳолат бўлса-ю бироқ бу ерда учинчи шахс пайдо бўлса, бундай жамиятда албатта уч шахсдан бирининг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари топталади, деган қарашни илгари суради.

Демак, энди масаланинг сиёсий моҳиятига янада чуқурроқ ёндошар эканмиз, бизга маълумки, ўрта асрларда яшаган Жон Локкнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари нафақат ўз даврида, балки айни пайтда ҳам ўз долзарблигини ва аҳамиятини сақлаб қолаолганлиги билан ажралиб туради. Бунинг энг асосий сабаларидан бири Жон Локкнинг сиёсий қарашлари асосини Либерализм ғояси ташкил этганидадир.

Энди Жон Локк либерал қарашларини Ўзбекистон воқеълигига боғлайдиган бўлсак, 2016 йилнинг охирги чорагидан бошлаб, эътиборан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш сиёсати устивор аҳамият касб этиб, сиёсий жараёнларда демократик тамойиллар устунлик қила бошлади. Айниқса, 2016 йилнинг сўнги чорагида Ш.М.Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолияти бошланганидан кейин Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотлари жараёнида туб бурилиш даври бошланиб, бу ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда либерал концепцияларни илгари сурганлиги билан ўзининг аҳамияти ва таъсирини ошириб борди. Ўз фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ Президент Ш.М.Мирзиёев фуқаролик жамиятини ривожлантиришга куч бағишлайдиган, унинг ривожланишига кенг шарт-шароитлар яратадиган демократик принцип - "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғояни эълон

қилди [1; Б. 152]. Бу ғоя фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий куч-қуввати манбаи сифатида намоён бўла бошлади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да либерал ғояларнинг устувор моҳият касб этганлиги эркин, демократик жамият қуриш дастури сифатида қуйидаги вазифалар илгари сурилди: “давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш” [7], каби концептуал йўналишлар мамлакатимизда либерал ғояларнинг тантанаси сифатида эътиборни тортади. Шу билан биргаликда: “Миллий “Ҳаракатлар Стратегияси”да белгилаб берилган долзарб масалаларга эътибор қаратган ҳолда мамлакат раҳбариятининг асосий мақсади республикадаги барча миллатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сиёсат юргизиш эканлигини идрок этиш мумкин” [4; Б. 115].

Тараққиёт модели тайёр ҳолда кўпдан тушиб қолмайди. Унинг замиридаги айрим тамойил, назарий фараз ва тахминларга амалиёт, тараққиётнинг ўзи ҳам “таҳрир” киритиб бориши табиий. Шу тариқа амалий чора-тадбирлар, характерлантирувчи механизмлар мунтазам ўзгариб, такомиллашиб, бойиб боради. Бир сўз билан айтганда, тараққиёт модели қотиб қолган андоза эмас, у босқичма-босқич шаклланади, аста-секинлик билан такомиллашади ва охир-оқибат мукаммал тизимга айланади. Шунга мос равишда унинг яратувчанлик кучи ҳам ўсиб бораверади. “Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, либераллаштириш мумтоз ҳокимиятни ҳаддан ташқари таъсиридан озод бўлиш жараёнини ва жамият ҳаётини демократлаштиришга қаратилган фалсафий ва ижтимоий-сиёсий ғоялар тизимига асосланади” [8; Б. 36].

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг дастлабки босқичиданоқ юртимизнинг ўзига хос тарихи, геостратегик ўрин, табиий-маъданий захиралари, халқимизнинг бой илмий, фалсафий, маънавий-маърифий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига таянган ҳолда демократия тамойиллари изчил жорий этилмоқда.

Ватанимизда истиқлол йиллари бошқарувининг мустабид тузумдан мерос бўлган маъмурий буйруқбозлик услубидан воз кечиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш сиёсати қатъият билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида тўплаган тажрибаси шундан далолат беради, том маънода мулкдорлар синфини шакллантирмасдан туриб, эркин бозор муносабатларини ривожлантириб, биз орзу қилган фаровон, маърифатли жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Мамлакатимиз ўттиз йил давомида бу борада мураккаб ва машаққатли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Агар ислоҳотларнинг дастлабки даврида асосий эътибор мамлакатни шўро даврида бошланган иқтисодий инқироздан олиб чиқиш, ривожланишининг стратегик йўналишларини белгилаш ва унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратишига қаратилган бўлса, 2016 йилнинг охирги чорагидан бошлаб, эътиборан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш сиёсати устивор аҳамият касб эта бошлади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да либерал ғояларнинг устувор моҳият касб этганлиги эркин, демократик жамият қуриш дастури сифатида миллий тараққиётнинг либерал моҳиятини мустаҳкамлади.

ХУЛОСА

Либерализм назариясини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнларида анчайин натижаларга эришилди. Хусусан, либерализм назариясининг тарихий босқичларида унинг пайдо бўлмасидан илгари, яъни либерализм фақат ғоялар кўринишида бўлган даврдан токи, унинг назария сифатидаги шаклланиш давригача бўлган масалалар очиб берилди. Мумтоз либерализм назариясининг пайдо бўлишига таъсир этувчи барча омиллар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, замонавий либерализмни вужудга келтирган сабаблар ҳам кўрсатиб берилди. Ундан ташқари либерализм назариясининг вужудга келиши салмоқли ҳисса қўшган буюк мутафаккир олимлар қарашлари ҳақида асосий, қисқа таҳлиллар қилинди. Либерализмнинг мазмун-моҳияти ҳақида эса мумтоз либералистларнинг қарашлари таҳлил қиёсий таҳлил этилди, солиштирилди ва асосида уларнинг камчилик ва ютуқли томонлари очиб

берилди. Шунингдек, мумтоз либерализм ва замонавий либерализмнинг фарқли ва ўхшаш томонлари таҳлил қилиниб, изоҳ берилди.

Замонавий либерализмни ёритиш борасида эса, либерализмни замонавийлаштиришнинг салбий йўналишлари ва ижобий оқибатлари аниқ кўрсатиб берилди. Жамиятни либераллаштиришни салбий томонлари таҳлил қилиниб муаммони бартараф этишда хулосалар берилган. Ҳуқуқ ва мажбурият тушунчаларига етарлича таъриф берилган.

Либерализм назариясининг Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий воқеълигида мужассамлиги ҳақида гапирилганда эса, шу нарсани қайд этиб ўтиш лозимки, либерализм назариясида шарқона анъаналарини қадриятларни инобатга олиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қўлланилаётганлиги эътиборлидир. Ўзбекистонда ана шундай эзгу қадриятлар кўплиги боис уларни асраш лозимлигини, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги эркинликлар билан уйғунлаштириш асосида миллий либерал концепциялар илгари сурилаётганлиги диққатни тортади. Яъни, Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли орқали жамиятда алоҳида соҳани маълум даражада эркинлаштириб, анъанавий ижобий қадриятларни сақлаб қолган ҳолда тараққиётни йўлга қўйиш самаралидир. Яъни бу ерда асосан либерализм назариясини энг муҳим жиҳатларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш ва самарали натижаларга эришиш ҳақида аниқ хулосалар берилган.

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. (2017) Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz.-1-Jild. – T.: “ O‘zbekiston” , 2017. – B.152
2. Mirziyoyev Sh.M. (2019) Niyati ulug‘ xalqning ishi ham ulug‘, hayoti yorug‘ va kelajagi farovon bo‘ladi. Tom 3. – Toshkent: «O‘zbekiston», 2019. – B. 56.
3. Lokk Dj. (1988) Sochineniya : V 3 t. - T. 3. - M. : Мысl, 1988. S. 264
4. Nazarov N. (2018) Markaziy Osiyoda millatlararo munosabatlar. – Toshkent: “Global Books”, 2018. – B. 115.
5. Rassel B. (1999) Istoriya zapadnoy filosofiya. 2-e izd.,-Novosibirsk: Izd-vo Novosib. un-ta, 1999.S.577
6. Sit. po: Tawney. Religion and the Rise of Capitalism.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni// O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.
8. G‘affarova G. (2019). Liberallashtirish modernizatsiya jarayonining asosi // «Ravnaq» jurnali. 2019. Nishona soni. - B.36-40.

9. G‘affarova G., Abdullayeva M. (2017). Demokratik islohatlar rivojlanish modeloning asosi sofatida. Imom Buxoriy saboqlari, 2017. №3, 57-60.
10. Makhmudova G., G‘affarova G., Jalalova G. (2020). O’zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. Toshkent, “Noshir”, – 176 b.
11. Abdullayeva M.N., Safarova N.O., G‘affarova G.G’., Jalalova G.O. (2017). O’zbek modeli mamlakatimizni izchil rivojlanishining nazariy-metodologik asosi. Toshkent, «Mumtoz so’z», 2017. -164 b.
12. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science, 90(10), 448-452